

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**423 Ёшлар маданият ва санъат маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ёшларни Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва фидойилик руҳида тарбиялаш, юрт равнақида дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, уларнинг кенг қамровли бунёдкорлик ва яратувчилик жараёнидаги иштирокини кенгайтиришда маданият ва санъатнинг ўрнини ҳар томонлама ошириш, шунингдек бой маданий мусиқий меросимиз, замонавий миллий эстрада ва жаҳон санъати дурдоналари асосида уларда юксак бадий дунёқарашни шакллантириш ҳамда ёш иқтидорларни рағбатлантириш тизимини янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Ёшлар маданият ва санъат марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, маданият ва санъат борасида ёшларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида концерт ва фестиваллар, кўрик-танловлар, турли маданий шоу-томоша тадбирларини ўтказиш;

жаҳон халқлари миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган ҳамда юртимиздан хорижга чикувчи ёш хонанда, созанда ва бадий жамоаларнинг гастрол сафарларини миллий хусусиятларимизга мувофиқ юқори бадий савияда уюштириш;

ёш ижодкорларнинг, айниқса чекка қишлоқ ва маҳаллалардаги иқтидорли ёшларнинг ноёб истеъдодини рўёбга чиқариш ва улар фаолиятини тизимли равишда кенг тарғиб этиш, турли телелойиха, телетанлов, кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этиш;

ёшларнинг ижодий бирлашмалари, жамоалари ва яккахон ижрочиларнинг фаолияти, репертуари, сценарийлари, дастурларининг юқори ғоявий-бадий савиясини таъминлашга амалий ёрдам бериш, ушбу жараёни мувофиқлаштириш ва таҳлил қилиб бориш;

турли маънавий таҳдидлар, мафкуравий хуружлар, «оммавий маданият»нинг ёшларга зарарли таъсирини ўрганиш ҳамда ёшлар ўртасида самарали ижодий ҳамкорлик муҳитини яратиш;

ёшлар учун тажриба алмашиш, илмий-ижодий симпозиумлар, конференциялар, маҳорат дарслари ташкил этиш;

театр, концерт ва томоша сахналари, маданият, санъат марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, амфитеатрлар ва бошқа маданий-томоша муассасаларидан самарали фойдаланиш ҳамда жойларда ёш иқтидор эгалари ва истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш.

3. «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига мувофиқ Марказга қуйидаги фаолият турларини тегишли лицензия олмасдан амалга оширишга рухсат берилсин:

Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш;

ноширлик ва таълим фаолияти, аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намоиш этиш, аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, фонограммаларни тайёрлаш ҳамда туризм фаолияти билан шуғулланиш.

4. Белгилаб қўйилсинки, Марказ юридик шахс ҳисобланиб, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги муассислигида давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бир ой муддатда:

Марказнинг тузилмаси ва Уставини тасдиқласин ҳамда ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Марказнинг штатлар жадвалини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг:

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган Ёшлар ижод саройи биносини, ундаги мебель ва жиҳозлар ҳамда моддий-техник воситалар билан биргаликда Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашига тасарруф этиш ҳуқуқисиз бепул бериш;

Ёшлар ижод саройи биносида Марказни ижара тўловисиз жойлаштириш, шунингдек саройнинг концерт ва кўргазма заллари, хоналари, мебель ва жиҳозлари ҳамда моддий-техник воситаларидан бепул фойдаланиши тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган бинони, ундаги мебель ва жиҳозлар ҳамда моддий-техник воситалар билан биргаликда белгиланган тартибда топширсин, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ўз балансига қабул қилсин ва ундан мақсадли фойдаланилишини таъминласин.

8. Қуйидагилар Марказнинг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

марказнинг тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар;

муассиснинг бюджетдан ташқари маблағлари;
юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси билан биргаликда Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси ҳамда жалб этиладиган ҳомийлик маблағлари ҳисобидан Марказ фаолияти ташкил этилишини, шунингдек унинг моддий-техника базаси шакллантирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йилги параметрларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Марказнинг белгиланган тартибда замонавий алоқа воситалари, шу жумладан Интернет тармоғи ва бошқа алоқа турлари билан таъминлаш чораларини кўрсин ҳамда унинг замонавий талабларга жавоб берадиган веб-сайтини яратишга кўмаклашсин.

11. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан таъсис этилган «YOSHLAR IJOD SAROYINI SAQLASH VA EKSPLUATASIYA QILISH DIREKTSIYASI» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда дирекция деб аталади) қонунчиликда белгиланган тартибда тугатилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда дирекция белгиланган тартибда тугатилишини;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши билан биргаликда тугатилаётган дирекция ходимларининг ишга жойлаштирилишини таъминласин.

12. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 23 августдаги 442-ф-сон фармойишининг 3 ва 4-бандлари;

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 312-ф-сон фармойиши.

13. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 14 август,
232-сон